“Gulsaraning o‘yiniyu «Tanovar»ning bir necha daqiqa davom etgan sehri jodusi totli shirinlik ta'mi kabi og‘izlarda va ko‘ngillarda qoldi, ha, juda baxtli onlar o‘tib ketdiki, men hamon «Tanovar» kuyini eshitsam, Mukarrama opaga taqlid qiladigan xiromon emas, azador kabi qora barqut kiygan Gulsaraning raqsi ko‘z oldimga keladi...”[5].

Gulsaraning fosiqlikka tomon yuz tutishi o‘z-o‘zidan ro‘y bermaganini yozuvchi uni har ko‘rganidagi o‘zgarishlar bilan yetarli dalillab boradi. Hikoyada “odamning fe'li o‘zgarmasin” degan gap bekorga kiritilmagan. Gulsara shunday deydi: *“- Hayotning g‘animat ekanini tushunib qoldim, azizim. Barcha iztiroblar, orzu armonlar - behuda ekan. Hayot shunday ekanki, har qancha osmonlarga chiqib ketma, o‘ziiing izmiga solar ekan... Keyin sen o‘zingga qandaydir... So‘qmoq tanlar ekansan... Umuman maning omadim kelmadi hyech. Bir hisobda shunday bo‘lishi tabiiy ekan. Chunki man hayotdan ko‘p narsalarni talab etar edim... Ishoning, do‘stim, Cho‘lponmikan, qaysidir bir shoir: “Bu dengizning chuqurligini bilmay, qulochni katta otdim men”, degan ekan”[5].*

E'tibor berilsa, yozuvchi Gulsaraning dastlabki o‘quvchi tanishgan paytdan boshlab oxirgi damgacha undagi katta o‘zgarishni kuzatadi va yetarli dalillaydi. U Tavakkalni ko‘rish umidida armonga aylanayotgan orzularining so‘nggi tomchisini hamon yuragida asrab yurgan bir paytda yana bir qabihlikka duch keladi. Boshlig‘ining ko‘ngilxushlik mayliga yurmagani bois, nohaq ayb bilan ishdan bo‘shatiladi. Ishdan ketgan Gulsara iqtisodiy qiynalib yurganida ham, ming ilinjlar bilan Tavakkalni kutadi. Moddiy ahvoli og‘irligini, uch xonali uyini dastlab ikki xonali, keyin bir xonaliga almashtirib tirikchilik qilayotganini yashirmaydi.

Xuddi shuningdek, yozuvchi Tavakkalni ham iztiroblar iskanjasida yonma-yon tasvirlaydi. Tavakkal ham Gulsara uning hayotida shu vaqtgacha ko‘rgan ayollaridan farq qilishini keyinroq anglab yetadi.

Gulsara va Tavakkal bir-birlariga nisbatai paydo bo‘lgan muhabbatdan bexabar sevgi iztiroblaridan azob chekadilar, bir-birlarini ayblaydilar. Yozuvchi qahramonlarni shunday tang vaziyatlarga solib surunkali fojialar ichida tasvirlaydi.

Hikoyada yozuvchi qahramonlar ruhiyatini ko‘rsatishda quyidagi detallarni qo‘llaydi:

- “Bir juft qaldirg‘och”. *“Qaldirg‘ochlarning o‘zaro aloqalari menga shuni ko‘rsatdiki, rashk, qizg‘anish, qolaversa, juftidan xavotir olish va nolish - bular barisi tirik jonzotlarga xos bo‘lib, faqat insongina*

"mantiqan fikrlash qobiliyati"dan foydalanib, uni inkor etmasa ham, panja orasidan qarashi mumkin ekan…" [5].

- "g'ijimlangan gul". *"U chinnigulni yana bir-ikki bor hidladi-da, ustun tomonga otib yubordi" [5].*

- "tanovar". *"Bu raqs - dildagi dardni isxor etuvchi, saodatni orzu qiluvchi, yolg'izlikdan seviklisi tomon, insonlar tomon intilishdek otashin ishtiyoq yashiringan qalb eshigini lang ochish raqsidir".*

- "bulut" va "oy". *Yomg'ir allaqachon tinib, endi shu sokinlikka mos shabada esar, uyg'onayotgan dov-daraxtlarning namxush (yelimni eslatuvchi) hidi kelar, bechora oy esa bulutlarni oldidan o'tkazar, nazarimda ulardan oldinga chiqishning ilojini topolmay xo'mrayar, ba'zan qalin bulutlar soyasiga yashirinar edi"* [5].

Sh.Xolmirzayev Gulsara va Tavakkal xarakterlari mantig'iga bo'ysunib ish ko'rgan. Agar ular taqdiri osonlik bilan va boshqacha tarzda tugasa, ya'ni qahramonlar murod-maqsadlariga yetishishsa, hayot mantig'i buzilar edi. Hikoya ayni shu hayotiyligi bilan kishiga katta ta'sir qiladi.

Shukur Xolmirzayev asar yaratilish jarayonida uch muhim iuqtaga jiddiy e'tibor berilishi zarurligini ta'kidlaydi, bular - "qahramonning ko'nglidan izma-iz, bosqichma-bosqnch va uzviy muntazamlikda kechadigan hamda qayoqqadir ko'tarilib, yoxud pastlab boradigan his-tuyg'ulari va ana shular ta'sirida paydo bo'ladigan fikr-mulohazalarnipg tabiiy chiqishiga... xushyor bo'lish"[3]; qisqartirilgan xatti-harakatlar bayoni; qahramonlarga beriladigan ta'rif-tavsif va izohlar. Adib yozadi: "bu ish shu qadar nozik va murakkab jarayonki, har qanday oliy matematik hisob-kitob ham buning oldida hech narsadir!" [3].

XULOSA

"Bulut to'sgan oy" hikoyasi keng ma'noda tabiat va jamiyatda me'yorlar, mutanosiblarning buzilishidan kelib chiqqan fojialarni tasvirlaydi. Yoki boshqacha aytganda, Sh.Xolmirzayev talqinidagi ushbu fojiada kishilar o'rtasidagi tabiiy munosabatlarning buzilishi, zo'ravonlik, axloqiy va ma'naviy inqiroz, g'ayriinsoniylik kabi illatlar zamirida paydo bo'ladi. Bular inson hayotining tabiiy izdan chiqishiga sabab qilib ko'rsatiladi. Yozuvchi qahramonlar ichki dunyosiga chuqur kirib borish orqali fojialar ildizini dalillab beradi.

"Bulut to'sgan oy" hikoyasida Shukur Xolmirzaevning avvalgi aksari qahramonlariga xos bo'lgan sodda, to'pori o'zbek xarakterining murakkablashganini, ularda haqiqatan ham insonni tushunish, anglash mushkul bo'lgan jihatlarni ko'ramiz. Bunda yozuvchi ijodida shakllangan tasvir prinsipi - shafqatsizlik bosh tamoyil bo'lib xizmat qiladi, ya'ni voqyelikning ayon haqiqati bevosita kitob sahifalariga ko'chiriladi, hayot fojialari chuqurlashgan, kuchaygan holda ko'rsatiladi. Buning natijasida asar qahramonlarining fazilat

va qusurlari ro‘yi rost ko‘z oldimizda gavdalanadi. Hikoyada qahramonlar xuddi tirik odamday harakat qiladi, ularning gap-so‘zlari, o‘zlarini tutishlari nihoyatda tabiiy. Asar katta mahorat va iste'dod natijasidir.

Sh.Xolmirzayev “Bulut to‘sgan oy” hikoyasida shakllangan xarakter o‘zgarishini ko‘rsatishga erishadi. Adib inson ruhiy dunyosini juda chuqur tadqiq etadi. Tasvirda ma’lum darajada uzilish, to‘satdan burilish yasash yozuvchi ifoda uslubiga xos xususiyatga aylanadi. Bunda muallif narsalar va tabiat lavhalaridagi eng xarakterli, eng ifodali jihatlarni tasvirlaydi, tabiatning oddiy lavhalaridan detallar, ramzlar, o‘xshatishlar sifatida foydalana oladi.

Insonning murakkab taqdiri, fojialari voqyelikdagi notabiiyliklar oqibatida kelib chiqqani asosli dalillar orqali ko‘rsatiladi. Bunda inson va uning mohiyatini anglashga intilish bosh prinsip sifatida yuzaga chiqadi, bu jarayonda ham yozuvchi xolislik pozitsiyasidan chekinmaydi.

O‘zbek hikoyachiligi tarixida Shukur Xolmirzaevning hikoyachilikdagi vazifasini hyech kim bilan almashtirib bo‘lmaydi. U o‘zbek hikoyachiligida o‘z tasvir prinsiplarini aniq va yaqqol belgilagan hamda namoyon eta olgan adib hisoblanadi.

Shukur Xolmirzayevning badiiy asarlari tahlili va estetik qarashlari adabiyotning asl mohiyatini to‘g‘ri tushunish, uning ezgu maqsadlarga xizmat qilishi zarurligi, yozuvchi mahorati va tasvir yo‘lining o‘ziga xosligi, so‘z san'atining sehrn, ahamiyati singari masalalarni idrok etishga yo‘l ochadi. Bu o‘z navbatida o‘zbek adabiyotining ma’lum taraqqiyot qonunlarini davrdagi rivojlanish yo‘llarini, aniqlashga va teran yoritishga asos bo‘lnb xizmat qiladi.

REFERENCES

1. Boltaboev H. Adabiyot ensiklopediyasi. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2015.
2. Yo‘ldoshev Q. Yirik shaxslar tasviri yo‘lida //O‘zbek tili va adabiyoti. - 1998. 4-son. -B. 9.
3. Xolmirzayev Sh. Yozuvchiliknipg maktabi yo‘q... Yoshlik. 1993. №11. -B. 33
4. Shukur Xolmirzayev zamondoshlari xotirasida. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2010.
5. Xolmirzayev Sh. Tanlangan asarlar. –Toshkent, “G‘.G‘ulom”, 2020.
6. G.Tavaldiyeva. Shukur Xolmirzayev ijodida voqelikni badiiy idrok etish prisiplari (monografiya). –Toshkent, “Tafakkur tomchilari”, 2021. –B. 145.
8. Olim Toshboyev. Adabiyotni vijdon deb bilardi. “Hurriyat”, 2009.
9. Olim Toshboyev. Abadiy zamondosh. –Toshkent, “G‘.G‘ulom” nashriyoti. 2018. –B.478.
10. Olim Toshboyev. “Bolalikdan erkinlikni sevardim...” https://www.facebook.com/groups/Hayrat26/posts/ 2016-yil, 14-aprel

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ БАРКАМОЛ ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИДА ҒОЯВИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Юлдуз Хусанбаева
ФТТИ ўқитувчиси

Гўзал Хошимова
ТОШ ФАРМИ ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада талаба-ёшларни баркамол шахс сифатида шаклланишида ғоявий тарбиянинг роли ғоявий тарбия масаласи ҳар бир давр ва жамиятга хос бўлиб, бунда давлат ва жамият олдида маъсулиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистонда сўнги йилларда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратиш, таълим мазмунини модернизациялаш, таълим сифатини ошириш, таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган инновациялар яратиш ва амалиётга жорий этиш истиқболлари таҳлил қилинган, ҳамда инновацион таълимнинг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти ёритилган.

Таянч сўзлар: талаба-ёшлар, инсон камолоти, ғоявий тарбия масаласи, Ислом дини, давлат ва жамият, оммавий маданият.

КИРИШ

Бугунги кунда жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши кўп жиҳатдан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618- сонли фармони мазкур йўналишда олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб берган муҳим ҳужжат бўлди. Фармонда мазкур йўналишдаги мавжуд камчиликлар бирма-бир кўрсатиб берилгани жумладан “ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз□лик ҳисини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаётгани ва аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир

вазифаларнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалти□риш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлиги” танқидга олинган. Ғоявий тарбия масаласи ҳар бир давр ва жамиятга хос бўлиб, бунда давлат ва жамият олдида маъсулиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш мақсади ҳам ётади. Ҳар қайси халқ ёки миллатни унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллар сифатида хизмат қилади. Масалан, шу заминдан етишиб чиққан буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари катта. Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб иншоотлар, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради ва мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-мафкуравий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради ва табиийки, инсоннинг ғоявий дунёсини шакллантиришда қандай кучли таъсирга эга бўлганига эътиборимизни жалб қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ғоявий тарбияда халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутиб, у миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, уни авлодлардан авлодларга ўтказиб, тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқариб, ўзлигини доимо сақлаб келаётган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатларини ўзида ифода этади. Шу ўринда ғоявий тарбия мезонларидан бири бўлган муқаддас динимизнинг аҳамияти беқиёсдир. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор

қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, ғоявий тарбия мезонлари шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади. Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим. Жамият эса ўз заминининг мутафаккирлари, дини ва кашфиётлари, маърифат, илму фан, маданият каби соҳаларидан буларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг ғоявий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришда, уни намуна қилиб кўрсатишда фойдаланади. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини авлодларга етказиш масаласи барча, биринчи галда, зиёлилар, бутун жамоатчилик учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос мафкурасини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган мафкуравий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг ғоявий асосини ташкил этади.

Ғоявий тарбия мезонлари ҳақида сўз кетганда, маҳалланинг ўрни ва таъсири хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, ўзбек маҳаллалари азалдан чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик б-н бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-о. ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақл ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қилинади. Ҳар қайси

хонадон, бутун эл-юртдаги мафкуравий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлган киши, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўлади.

Ғоявий тарбия мезонларидан яна бири илму маърифат, таълим-тарбия бўлиб, уларга инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови сифатида қаралган. Келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш иши таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолади. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаолари, миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларига хизмат қилади. Бу боарда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш, таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда дифференциал педагогик-психологик дастурлар яратиш, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш, мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга йўналишлардир.

Таълим-тарбиянинг ҳар бир босқичи, ўз навбатида, миллий ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутади.

Мактабгача таълим муассасалари. Бу ўринда ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандининг мактабгача тарбияси унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб этишига эришиш зарур. Бунда оиланинг мактабгача таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувига эришишни назарда тутиш керак. Бу даврдаги барча мактабгача таълим-тарбия муассасалари болалардаги умумий саводхонлик ва мактабдаги таълим-тарбияга тайёрлаш жараёнининг муҳим ва зарурий босқичи сифатида қаралиши лозим.

Бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқларидир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида, барча ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда қуйидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим. Шу билан бирга Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш; она тилимизга муҳаббат уйғотиш, миллий қадриятларга ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш, оиланинг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш, муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканини уқтириш, дин ва дунёвий билимларнинг ўзаро қарама-қарши эмаслигини англатиш, маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботловчи далиллар келтириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданият соғлом дунёқарашнинг муҳим омили эканлиги тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш бу боардаги зарур билимлдарни ўзлаштиришга ёрдам беради.

ХУЛОСА

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор қаратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланган эди. Ҳозирги кунда истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирда икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрлар мисолида маъ-ятнинг юксалишини кузатиш мумкин ва табиийки, бундай шароитда ғоявий тарбия мезонлари ҳам даврга мувофиқлашиб боради.

REFERENCES

1.Хусанбаева, Ю., & Саъдуллаева, Д. (2023). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

ТИЗИМИ. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, *3*(3), 48-51.
2.Салимсакова, Н. С., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА КАК СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ ФЕНОМЕН. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SI-1).
3. Назарбоева, Б. А., & Хусанбаева, Ю. Б. (2021). ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИДА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИНГ ЎРНИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, *4*(4).
4. Хошимова, Г. Ф., & Хусанбаева, Ю. Б. (2020). ВЗАИМОСВЯЗЬ ВИРТУАЛЬНОГО И ДУХОВНОГО МИРА НА ФОНЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. *ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, *3*(4).
6. Kurultaevich, I. K., Zairjanovich, Y. S., Abdullayevna, S. D., Botirovich, T. B., & Anatolievna, T. M. (2023). Specifics Of Teaching Foreign Language Speaking To Students At A Non-Linguistic Institute (Iper) In The Distance Learning Format. Best Journal of Innovation in Science, Research and Development, 2(10), 549-559.
8.Sadikova, D. A. (2023). TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN LANGUAGE IN THE MODERN STUDY OUTLOOK: TEACHING DICTIONARIES. World of Scientific news in Science, 1(2), 104-115.
9.Saparbaevna, R. R., Allanazarovna, E. R., & Nawbahar, O. (2020). Physiological Ergogenic Medicines: Modern Trends Of Application In The Training Of Athletes. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, *7*(03), 2020.
10. Reymbaeva Roza, Ernazarova Raya, Joldasbaeva Gulchexra, & Allambergenova Laura. (2023). HANDBALL EFFICIENCY IN THE SYSTEM OF PHYSICAL EDUCATION. Innovations in Technology and Science Education, 2(14), 721–725. Retrieved from https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/1774
11. Roza, R., Talgat, K., Raya, E., & Aynura, P. (2023). THE CONTENT AND FORMS OF SUPPORT FOR PROFESSIONAL SELF-DETERMINATION OF STUDENT TEACHERS. Innovations in Technology and Science Education, 2(10), 273-279.
12. Saparbaevna, R. R., Erejepovich, K. D., Allanazarovna, E. R., & Sabitovna, P. A. (2022). Organization Of Rational Nutrition of Athletes in Training and Competitive Activities. Specialusis Ugdymas, 2(43), 3566-3568.
13. Saparbaevna, R. R., & Allanazarovna, E. R. (2020). Aspects Of Studying Snakes In The Fauna Of Uzbekistan. Solid State Technology, 63(6), 3765-3771.

PYTHON DASTURLASH TILINING IMKONIYATLARIDAN FOYDALANGAN HOLDA ELEKTRON O‘QUV RESURSLARINI ISHLAB CHIQISH

F. X. Ishkobilov
QarMII ilmiy izlanuvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Python dasturlash tilining imkoniyatilari foydalanilgan elektron ta‘lim resurslarini ishlab chiqish hozirgi zamonning dolzarb muammolari ekanligi ta'kidlangan. Python dasturlash tilida elektron ta’lim resurslarini yaratishda muhim tomonlari bo‘yicha test tuzish imkoniyati keltirib o’tilgan.

Kalit so‘zlar: python, dasturlash, dasturlash tili, elkontron o‘quv resurslari.

KIRISH

Axborot jamiyatiga o'tish zarurati-bu jahon iqtisodiyotida yangi texnologik tartibni shakllantirish va ustuvorlik qilish, axborot resurslarini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning Real manbalariga o'tkazish, jamiyatning axborot mahsulotlari va xizmatlariga bo'lgan talabini qondirish, ijtimoiy rivojlanish tizimida axborot-kommunikatsiya infratuzilmasining ahamiyatini oshirish, xalqaro axborot ta'lim, ilmiy-texnikaviy va madaniy sohalarni takomillashtirish. almashinuvlar tenglik asosida "global axborot afzalliklari" dan foydalanishga asoslangan. So'nggi yillarda elektron ta'limning an'anaviy ta'limga nisbatan afzalliklari tobora ortib bormoqda.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Ta’limda interfaol usullardan foydalanishning ahamiyati to‘g‘risida M.Usmonovning “O‘qituvchilarga dasturlash tilini o‘qitishda interfaol usullardan foydalanish” maqolasida, o‘qituvchilarga Python dasturlash tilini o‘rgatishda ishlatiladigan katta yoshdagilarni o‘qitishning asosiy usullari va “Sinonimik kodlar” usuli haqida ma’lumot berilgan.

U.Madaminovning “Python dasturlash tili” ilmiy maqolasi talabalarga dasturlashni eng quyi pog‘onadan o‘rganish va dasturlarni qanday yaratishni tez va samarali o‘rganish imkonini beradi. Ushbu ilmiy maqolada Python dasturlash tilida operatsiyalar, operatorlar, murakkab turlar, fayllar va grafikalar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni qayta ishlash jarayoni tasvirlangan. Python dasturlash tili uzoq tarixga ega bo‘lmasa-da, bugungi kunda uning rivojlanishi eng istiqbolli sohalardan biri bo‘lib chiqdi.

NATIJA VA MUHOKAZA

So'nggi vaqtlarda ta'lim oluvchilar va o'qituvchilar an'anaviy ta'limning ba'zi turlariga qaraganda onlayn ta'limning afzalliklari ko'proq degan xulosaga kelmoqdalar. Sababi, ta'lim tizimida ta'lim sifatini oshirishga qaratilgan raqamli o'qitish platformalari ko'paymoqda, bunda an'anaviy va onlayn ta'limning eng yaxshi tomonlari birlashtirilib aralash ta'lim tizimi shakllantirilmoqda. Aralash ta'lim narxining pastligi, moslashuvchanligi, bepulligi, bundan tashqari ta'lim jarayonida murakkab texnologiyalarni qo'llash afzalligi ushbu alternativa uchun sabab bo'ladi. Bu tendensiyaga bo'lgan qiziqish ta'lim jarayonida talabalarga ta'sir etadi va ta'lim sifatini oshiradi.

Elektron axborot ta'lim resurslarini yaratishda keng ishlatilib kelinayotgan dasturlash tillaridan biri Python dasturlash tili hisoblanadi. Python elektron ta'lim resurslarini yaratishda muhim rol o'ynaydi. Pythonning ushbu kontekstdagi rolining ba'zi asosiy jihatlari:

- Dasturlash va dasturiy vosita yaratish:
- Dasturlashga oid tushunchalar berish: Python yangi boshlovchilar uchun qulay dasturlash tili sifatida keng qo'llaniladi. U aniq va o'qilishi oson bo'lgan sintaksisga ega bo'lib, u dasturlashni o'rganuvchilar uchun katta qulayliklarga ega. Python ko'pincha dasturlashga doir tushunchalarini kiritish uchun dasturlash tili sifatida tanlanadi va bu yangi boshlovchilar uchun ta'lim mazmunini yaratishda ideal tanlov bo'lib xizmat qiladi.
- Interaktiv o'rganish: Python interaktiv dasturlashni qo'llab-quvvatlaydi, bu esa o'quvchilarga kodni satr bo'yicha boshqarish imkonini beradi. Uning interaktivligi o'rganishda va tajriba ortirishda ancha yengillik beradi.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Shuning uchun Python tilining interaktiv imkoniyatlaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Pythonning ***Tkinter*** kutubxonasi yordamida biz yozilgan dasturlarni interfeys bilan ta'minlaymiz. Tkinter nafaqat interfeys bilan balki vidjetlar bilan ta'minlovchi kutubxonadir. Vidjetlarga tugmalar (button), nishonlar (label) va boshqalar kiradi. Quyidagi oynalar yordamida talabalar onlayn test topshirish imkoniyatlariga ega bo'lishi mumkin.

Pytonda tuzilgan dastur matni:

```
import tkinter as tk
def open_test_window(language):
    test_window = tk.Toplevel(root)
    test_window.title(f"{language} Testlari")
    tests = {
```

```
'Python': [
    "1. 2 + 2 natijasi qancha?\nA) 3\nB) 4 (To'g'ri)\nC) 5\nD) 6",
    "2. Python-da funksiya aniqlash uchun ishlatiladigan kalit so'z nima?\nA) define\nB) def (To'g'ri)\nC) function\nD) func",
    # Add more questions for Python...
],
'C++': [
    "1. C++-da bir-qatorli izohning sintaksi qanday?\nA) // (To'g'ri)\nB) #\nC) /* */\nD) --",
    "2. 'new' yordamida C++-da xotira qanday ajratiladi?\nA) Stack\nB) Heap (To'g'ri)\nC) Queue\nD) Array",
    # Add more questions for C++...
],
'C#': [
    "1. Quyidagilardan qaysi C# daqiqa turi?\nA) String\nB) Array\nC) Class\nD) int (To'g'ri)",
    "2. C# da klass aniqlash uchun ishlatiladigan kalit so'z nima?\nA) struct\nB) interface\nC) class (To'g'ri)\nD) object",
    # Add more questions for C#...
],
'Java': [
    "1. Java-da vorislik uchun qanday kalit so'z?\nA) inherit\nB) extends (To'g'ri)\nC) implements\nD) inherits",
    "2. Java-da 'protected' a'zoni qaysi kirish darajasi?\nA) Private\nB) Public\nC) Protected (To'g'ri)\nD) Default",
    # Add more questions for Java...
]
}
# Display the tests for the selected language with font size 15
tests_label = tk.Label(test_window, text="\n".join(tests[language]), padx=20, pady=20, font=("Arial", 15))
tests_label.pack()
root = tk.Tk()
root.title("Dasturlash Tillari Testlari")
def create_button(language):
    return tk.Button(root, text=language, font=("Arial", 20), fg="green", command=lambda: open_test_window(language))
```

```
label = tk.Label(root, text="Dasturlash tillari bo'yicha testlar:", font=("Arial", 16))
label.pack()
languages = ['Python', 'C++', 'C#', 'Java']
for language in languages:
    button = create_button(language)
    button.pack(pady=10)
root.mainloop()
```

Bu yerda tugmalar bosilishi natijasida quyidagi oynlar ochiladi.



1-rasm. Pythonda ishlab chiqilgan elektron qo'llanma.



2-rasm. Python tugmasi tanlangan holdagi elektron qo'llanma bo'limi.



3-rasm. Java tugmasi tanlangan holdagi elektron qo'llanma bo'limi.



3-rasm. C# tugmasi tanlangan holdagi elektron qo'llanma bo'limi.

C++ Testlari

1. C++-da bir-qatorli izohning sintaksi qanday?
A) // (To'g'ri)
B) #
C) /* */
D) --
2. 'new' kalit so'zi yordamida C++-da xotira qanday ajratiladi?
A) Stack
B) Heap (To'g'ri)
C) Queue
D) Array

4-rasm. C++ tugmasi tanlangan holdagi elektron qo'llanma bo'limi.

REFERENCES

1. Ишқобилов, Фаррух Хайруллоевич. "КОМПЬЮТЕР ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАРИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЗООЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ." Современное образование (Узбекистан) 10 (107) (2021): 57-63.

2. Ишкобилов, Ф. Х. (2023). КОМПЬЮТЕР ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАР АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚИТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА. Academic Research in Educational Sciences, 4(1), 215–221. https://doi.org/

3. Ishkobilov, F. X., and Sh X. Eshqobilov. "UMUMTA'LIM MAKTAB O'QUVCHILARI UCHUN VIZUAL DASTURLASHNI O'QITISH METODOLOGIYASINING ASOSIY OMILLARI." Journal of new century innovations 21.4 (2023): 223-226.

4. Ishkobilov F.KH "Technology of creating a virtual laboratory of the structure and movements of euglenoids from biology on the base of computer simulation models" Eurasian Scientific Herald. Page. 12-16. Volume 17. February, 2023. ISSN: 2795-7365.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН БОЖХОНА НАЗОРАТИ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ФУНКЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Шерзод Одилович Шарипов
“ALFRAGANUS UNIVERSITY” катта ўқитувчиси, мутақил тадқиқотчи

АННОТАЦИЯ

Логистик тармоқларга боғланган ҳолда темир йўлларда ташилувчи юклар устидан божхона назоратини ўрнатиш жараёнлари моделлаштириш объекти сифатида мураккаб, тақсимланган, кўп босқичли, кўп вазифали, кўп параметрли ва кўп мезонли тизим ҳисобланади.

Калит сўзлар: автоматлаштириш, божхона назорати, функционал модел.

Текширувнинг 4 хил операциясини белгилаш мумкин. Ҳар бир операция ўз рақами j билан характерлансин. Агар $j=1$ бўлганда товар ҳужжатларининг давомийлигини текширув жараёни амалга оширилади. Ушбу ҳодисани амалга ошириш учун элементар операция $ЭО_{i1}$ амалга оширилади.

Иккинчи операция $(j=2)$ етказиб бериш (божхона ҳақидаги маълумотлар, товарлар сони, қадоқлаш жойлари ва ҳ.к.) тўғрисидаги умумий маълумотлар бўйича текширувни таъминлайди.

Учинчи операция $(j=3)$- етказиб берувчи шахслар ва “география” (битим паспорти; савдо мамлакатлари кодлари, товар келиб чиққан мамлакат ва ҳ.к.) тўғрисидаги маълумотлар текширилади.

Тўртинчи операция $(j=4)$ божхона тўловларини ҳисоблаш ва тўлашга боғлиқ ахборотни текширишни таъминлайди.

Бундай ҳолда, i-чи типдаги товар партиясининг декларация маълумоти ва ҳужжатлар текширувини таъминлашда элементар операциялардан $ЭО_{i2}$, $ЭО_{i3}$, $ЭО_{i4}$ фойдаланилади. i-чи типдаги товар партияси тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатларни текширув жараёнида К-(божхона назоратининг аниқ функциялари) тизимлар компоненти K_i тасвирланади.

i-чи типдаги товар партияси тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатларни текширув жараёнини моделлаштиришда элементар операциялар $ЭО_{i1}$, $ЭО_{i2}$, $ЭО_{i3}$, $ЭО_{i4}$ қуйидагиларни ташкил этади:

а) баъзи соддалаштирилган элементар операциялар $ЭО_{i1*}$, $ЭО_{i2*}$, $ЭО_{i3*}$, $ЭО_{i4*}$. Ушбу соддалашув жараёни имитацион модель

даражасини белгилайди. $ЭО_{ij*}$ билан $ЭО_{ij}$ фарқ қилса, реал тизимлар моделида хатолик юзага келади;

б) τ_{i1}, τ_{i2}, τ_{i3}, τ_{i4} вақт оралиғида элементар операцияларнинг $ЭО_{i1}$, $ЭО_{i2}$, $ЭО_{i3}$, $ЭО_{i4}$ бажарилиши. i-чи типдаги товар партиясини тўғрисидаги маълумот ва ҳужжатни текширув жараёнини амалга ошириш вақтини, τ_{ij} вақт интервалининг ичзиллиги “локал вақт” t_i компоненталарига K_i боғлиқ бўлади[62; 58–65-б., 8; 85–92-б].

Қуйидаги $[ЭО_{i*}, \ t_i]$ координатада компоненталар K_i ривожланишига мисол 2.9 расмда келтирилган.



1-расм. Моделда $ЭО_{i1}$, $ЭО_{i2}$, $ЭО_{i3}$, $ЭО_{i4}$ элементар жараёнлар ва K_i $(i=1)$ компонентларни ифодалаш схемаси

Бундай ҳолда, K_i компонентда элементар операцияларни бажариш кетма-кетлиги C_{i1}, C_{i2}, C_{i3}, C_{i4} ҳодисалар билан тасвирланади. Масалан, ҳодисалар қуйидагича тасвирланади: C_{i1}- ҳужжатлар ҳақиқийлигини текшириш; C_{i2}- етказиб бериш тўғрисидаги умумий маълумотни текшириш; C_{i3}- етказиб бериш “география”сини текширилганлиги; C_{i4}- божхона тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш бўйича маълумот текширилганлигини аниқлаш. Ҳар бир янги ҳодисани C_{ij} ҳосил бўлиши τ_{i1}, τ_{i2}, τ_{i3}, τ_{i4} катталикга тўғри келувчи t_i вақт координатасида катталашиши ва янги операцияларни $ЭО_{ij}$ бажарилишига тўғри келади.

Шартли равишда C_{ij} ҳодисанинг K_i компонентда ҳосил бўлиши операцияларни $ЭО_{ij}$ бажарилиши 1-расмда штрих нуқтали чизиқлар билан кўрсатилган. Моделда ҳосил бўладиган ҳодисалар босқичма-босқич амалга оширилади: 0, $А$, C_{i1}, $Б$, C_{i2}, $В$, C_{i3}, $Г$, C_{i4}. Бу эса, дастлаб $t(t=0)$ *ўзгармас вақтда*

элементар операцияларни $ЭО_{i1*}$ бажаради, кейин эса ҳодисанинг содир бўлиши τ_{i1} катталигида ўзгаришларни t_i тасвирлайди. Кейин эса, C_{i3} ва C_{i4} ҳодисалар аналог кўринишда тавсифланади.

Моделдаги ҳар бир операция $ЭО_{ij*}$, одатда, баъзи бир алгоритм A_{ij} билан тавсифланади, имитация вақтида операцияларни бажариш тегишли алгоритмларга мувофиқ амалга оширилади ва τ_{ij} катталикда t_i ўзгаради.

Шу тарзда, ҳар бир модель t_i вақт координатаси τ_{ij} катталигига ўзгартиришни таъминловчи, яъни $M_{ij} \Rightarrow [A_{ij}, P(t_{ij})]$ модулининг муайян $ЭО_{ij*}$ операцияларни бажариш ва $P(t_{ij})$ оператор ҳамда A_{ij} алгоритмларни мужассам этган бирон бир M_{ij} модуллар тўпламидан иборат деб аташ мумкин.

Элементар операцияларни $ЭО_{ij}$ бажариш натижасида C_{ij} ҳодиса юзага келади. Операция $ЭО_{ij}$ вақт интервалида τ_{ij} бажарилади. Ҳар бир компонент K_i учун “локал вақт” t_i тушунчаси мавжуд. Реал тизимларда улар бир вақтнинг ўзида ўзгариб туради, аммо бу ўзгаришлар характери фарқ қилади ва вақт интервал $\{\tau_{ij}\}$ кетма-кетлиги билан аниқланади.

Учта компонентнинг (жараён, функция) реал тизимни моделлаштириш динамикаси вақт жадвалида кўрсатилган (2.-расм).

Вақт диаграммасида тизимнинг 3 та компонентини функционаллаштиради. Кетма-кет функционаллаштиришда 4 та вақт моменти $t_1(t_{i1}, t_{i2}, t_{i3}, t_{i4})$ ўзгаришига тўғри келувчи 4 та ҳодиса (C_{i1}, C_{i2}, C_{i3}, C_{i4}) юзага келади. Ушбу вақт оралиғида компонент 4 хил элементар операцияларни ($ЭО_{i1}$, $ЭО_{i2}$, $ЭО_{i3}$, $ЭО_{i4}$) бажаради. Ушбу элементар операцияларнинг ҳар бири тегишли вақт оралиғида (τ_{i1}, τ_{i2}, τ_{i3}, τ_{i4}) амалга оширилади. Аппроксимация $ЭО_{ij}$ кетма-кет амалга оширилади $\{ЭО_{1j*}\}$, $j = \overline{1,4}$.

Ўхшаш компонентлар K_2 имитацион моделга мувофиқ ($\{ЭО_{2j}\}$, $j = \overline{1,3}$), 3 вақт интервали ($\{t_{2j}\}$, $j = \overline{1,3}$) давомида 3 та элементар операцияларни ($\{ЭО_{2j*}\}$, $j = \overline{1,3}$) бажаради.

Кейин яна, K_2 имитацион моделга мувофиқ ($\{ЭО_{2j}\}$, $j = \overline{1,3}$), 3 вақт интервали ($\{t_{2j}\}$, $j = \overline{1,3}$) давомида 3 та элементар операцияларни ($\{ЭО_{2j*}\}$, $j = \overline{1,3}$) бажаради.

Ҳар бир кўрсатилган элементар операция $ЭО_{3j*}$ мос келадиган алгоритм A_{ij} билан тавсифланади ва моделдаги мос келадиган модул M_{ij*} томонидан амалга оширилади.

Алгоритм [$ЭО_{i*}$, t_i] координатада 3 та компонентни биргаликда функционаллаштиради (2.10.-расм).

Моделдаги K_1 модулларни M_{ij} (A_{ij}, τ_{ij}) амалга ошириш жараёнида навбатдаги ҳодисалар C_{ij} юз беради. Реал тизимнинг параллел ҳодисаларини имитациясини таъминлаш учун моделлаштирилган вақт деб аталадиган глобал ўзгарувчанлик жорий этилади. Ушбу ўзгарувчининг ёрдами балан қуйидагилар ташкил этилади: биринчидан, моделдаги барча ҳодисаларни C_{ij} синхронлаш, иккинчидан, реал тизим модели компонентлари алгоритмларини A_{ij} амалга оширади.



2-расм. Уч компонентдан иборат реал тизим жараёнларини моделаштиришнинг даврий диаграммаси

Божхона назоратининг реал жараёнида параллел компоненталар K_i мажмуи мантиғини ва бошланғич операциялар кетма-кетлигини акс эттирувчи модул мажмуи M_{ij} имитацион моделда формаллаштирилган схема кўринишида тақдим этилади.

Хулоса қилиб айтганда детерминаллашган қадам орқали вақт оралиғида моделлаштириш усули такрорланувчи ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлиб, уларнинг кетма-кетлиги вақт диаграммасида кўриб чиқилди.

REFERENCES

1. Саидов А.А. Усмонов Ж.Т. Божхона назорати остидаги темир йўл юкларини бошқаришнинг интеллектуал қарор қабул қилиш алгоритмлари // Информатика ва энергетика муаммолари. Тошкент. 2017 йил, 5-сон. 41-47 б.

2. Саидов А.А., Усмонов Ж.Т. Темир йўл ҳудудий терминалларида юклар божхона назоратининг маълумотлар базаси моделини яратиш алгоритмлари// Ҳисоблаш ва амалий математика муаммолари. Тошкент. 2017,№ 6(12), 68-72 б.

3. Саидов А.А., Усмонов Ж.Т. Автоматлаштирилган божхона назоратини ташкил этувчи омиллар // “Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва оптималлаштиришнинг долзарб муаммолари” Халқаро илмий – техникавий конференция маърузалари тўплами. Қарши, 2017, 17-18 ноябрь. 156-161 б.

ОСОБАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА РАЗВИТИЯ ДОРОЖНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА

Зафар Мухаммади углы Жалолов
ассистент, Термезский инженерно-технологический институт, Термез, Узбекистан

Асрор Чориевич Хуррамов
базовый докторант, Институт механики и сейсмостойкости им. М. Т. Урозбоева, АН РУз, Ташкент, Узбекистан
asrorbekxuramov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрен зарубежный опыт дорожного строительства на примере развитых стран, уделено внимание структуре затрат на строительство дороги. Рассмотрены специальные федеральные стандарты, регламентирующие дорожное строительство.

Ключевые слова: автобан, структура затрат, федеральные стандарты, транспортная инфраструктура.

ABSTRACT

The article examines the foreign experience of road construction on the example of developed countries, pays attention to the structure of road construction costs. Special federal standards regulating road construction are considered.

Keywords: autobahn, cost structure, federal standards, transport infrastructure.

Опыт стран показывает, что развитие дорожной сети и транспортной инфраструктуры определяет интенсивность экономических связей и является одним из важнейших условий развития экономики страны. Активный рост экономики государства может быть ограничен и даже остановлен инфраструктурными ограничениями, в основе которых лежит низкое качество дорог и низкая пропускная способность инфраструктурных объектов дорожной сети (мостов, тоннелей) [1]. В большинстве развитых стран, в том числе в Германии, Японии, США, формирование сети автомобильных дорог осуществлялось в рамках долгосрочных государственных программ, устанавливающих показатели развития дорожной сети и соответствующие этим показателям объемы финансирования [2]. Евросоюз рассматривает вопросы формирования

трансъевропейской дорожной сети и соответствующей транспортной инфраструктуры с возможностью интеграции в нее новых стран-членов ЕС. Приоритетные проекты развития дорожной сети финансируются за счет государства или при участии государства, в том числе в рамках проектов государственно-частного партнерства 2,3.

На рисунке 1 представлена средняя структура затрат на строительство дорог в Западной Европе.



Рис.1 - Усредненная структура затрат на строительство дорог в Западной Европе

Важным достижением зарубежного дорожного строительства являются автобаны, или автомагистрали, то есть дороги, по своим эксплуатационным качествам предусмотренные для скоростного движения транспортных средств и имеющие одноуровневых пересечений в другими дорогами, железнодорожными и трамвайными путями, пешеходными и велосипедными дорожками 4. С конструктивной точки зрения существенной особенностью автобанов является наличие не менее двух полос для движения в каждом направлении, наличие между направлениями движения разделительной конструкции в виде барьера или другого строительно-технического сооружения аналогичного назначения, а также наличие в определенных местах широкой обочины для остановки транспортного средства в случае возникновения его неисправности или в ином непредвиденном случае, выезды и съезды автобана оборудованы полосами замедления и ускорения [3].

Германия занимает одно из первых мест в мире по плотности транспортной сети. Общая протяженность автомобильных дорог в этой стране превышает 11 тыс. км. В суммарном грузообороте Германии 60% приходится на перевозки автомобильным транспортом. В суммарном пассажирообороте Германии доля автомобильного транспорта составляет 90%. Система управления дорогами в

Германии децентрализована [4]: несмотря на наличие Министерства транспорта, вопросы содержания и эксплуатации автомобильных дорог находятся в ведении Дорожных администраций земель. Распределение компетенций в вопросе дорожного строительства между федеральным центром и администрациями земель таково: федеральный центр является владельцем и застройщиком дорог федерального значения, в том числе автобанов, администрации земель осуществляют функции подрядчиков строительства дорог федерального значения и административного управления ими. Региональные и местные дороги строятся и содержатся за счет регионального бюджета. В Германии на долю автобанов приходится более 30% общего объема передвижений автотранспортными средствами [5].

Средняя стоимость строительства одного километра автомагистрали в Германии составляет 27 млн. евро 6. На рисунке 2 представлена укрупненная структура затрат на строительство 1 км высокоскоростной автомагистрали в Германии [6].



Рис.2 - Структура затрат на строительство 1 км высокоскоростной автомагистрали в Германии

Как видно из представленного выше рисунка 2, расходы непосредственно на строительство дорожного полотна составляют 25,3% общей стоимости автомагистрали. Это свидетельствует о том, что в современном понимании дорога является не просто поверхностью земли, покрытой специальными материалами в определенной последовательности в соответствии с выполнением технологического регламента, а сложным, комплексным объектом, включающим в себя, помимо собственно полотна дороги, технические объекты, находящиеся в непосредственной близости от дороги и способствующие (содействующие) функционированию дороги с максимальным удобством для перевозки грузов и пассажиров, обеспечивающих безопасность как тех, кто осуществляет движение по дороге, так и тех, кто проживает в непосредственной близости от дороги, а также обеспечивающих безопасность окружающей среды – речь

идет о заградительных барьерах, разделяющих направления движения, отделяющих проезжую часть от пешеходной, ограждающих дорожное полотно от территории, задействованной в хозяйственном пользовании с иной целью, защитных и противошумовых заграждениях, об установке специальных ограждений, препятствующая проникновение животных (как диких, так и сельскохозяйственных) на проезжую часть, о мостах, тоннелях, эстакадах электронных системах регулирования движения, объектах инфраструктуры дороги (места для стоянки автомобилей, предприятия общественного питания, автозаправочные и сервисные станции), и других объектах, необходимых для эффективной эксплуатации дороги [7].

Кроме того, как видно из представленных выше на рисунке 2 данных, большое внимание уделяется проектным работам, проверке и согласованию различных аспектов строительства и дальнейшего функционирования дороги. Тщательное проектирование и проверка правильности работ при строительстве дороги финансируются в необходимом объеме, что, в свою очередь, обеспечивает высокое качество готового объекта [7]. По мере распространения передового опыта Германии по строительству скоростных автомагистралей требования к ним, первоначально являвшиеся национальными требованиями в пределах Германии, получили распространение по все территории Евросоюза и были дополнены новыми составляющими [8].

В настоящее время в Европе предъявляются следующие основные требования к скоростным автомагистралям:

- не менее двух полос движения в одном направлении;
- полное разделение встречных и пересекающихся транспортных потоков в разных уровнях;
- наличие разделительной полосы шириной 3,5-4 м с разделительными не глухими заграждениями между встречными потоками движения;
- несущая поверхность полотна дороги в виде бетона с асфальтовым покрытием;
- оборудование дороги рефлекторными указателями, установленными с интервалами не более 50 м, зонами отдыха с парковками и туалетами, сервисными станциями, заправочными станциями, предприятиями общественного питания, телефонами для вызова помощи на каждых двух километрах дороги, стандартизированными знаками и указателями, защитными средствами, препятствующими доступу животных на проезжую часть, противошумовыми защитными сооружениями;
- обеспечение автоматизированного трафика и динамического определения рекомендуемой скорости

движения транспортных средств в зависимости от загруженности дороги, погодных условий и иных объективных условий и обстоятельств [9].

Специальными мероприятиями сопровождается не только повседневная эксплуатация скоростных автомагистралей, но и проведение ремонтных работ. Так при проведении необходимых работ на эксплуатируемой автомагистрали перекрывается часть полосы в одном из направлений, устанавливаются специальные знаки, указывающие на организацию транспортного потока по выделенному для этих целей и специально огражденному участку встречной полосы, устанавливаются ограждения и разделительная полоса в виде бетонных блоков, на дорожное полотно наносится специальная разметка желтого цвета, устанавливаются светоотражающие элементы (катофоты) [10]. На рисунке 3 представлена структура затрат на содержание автомобильных дорог в Германии.



Рис. 3 - Структура затрат на содержание автомобильных дорог в Германии

Транспортная политика Германии определена комплексом нормативных документов, принятых на государственном уровне. Основу этого комплекса составляет концепция, которая детализируется стратегическими планами на период до 10 лет. В рамках стратегического плана разрабатываются тактические планы сроком на 5 лет. Выполнение тактических планов осуществляется путем реализации мероприятий оперативных планов, имеющих период планирования не более 1 года. Планы различного уровня включаются в качестве составной части в общую систему выработки и реализации транспортно-экономической политики государства на федеральном уровне, уровне земель, на муниципальном уровне. Планирование и последующее строительство дорог в Германии осуществляется в соответствии с так называемым принципом гравитации, согласно которому «степень транспортных отношений прямо пропорциональна объему экономической активности в различных пунктах и обратно

пропорциональна сопротивлению пространства, то есть квадрату расстояния между ними» [11].

В европейской практике стратегическое планирование транспортной инфраструктуры базируется на одном из двух основных подходов:

- ориентация на спрос – принимается во внимание выявленная и желаемая степень мобильности;

- ориентация на цель – принимаются во внимание политические цели.

Оба подхода – и ориентация на спрос, и ориентация на цель – подтверждаются технико-экономическим обоснованием и возможностью финансирования проекта из различных источников. В ряде стран Западной Европы строительство и ремонт дорог регламентируется специальными федеральными стандартами, описывающими общие положения, безусловно требуемые к исполнению. Эти стандарты действуют в комплексе с нормативными документами местного уровня, которые детализируют требования к работам по строительству дорог в соответствии со спецификой конкретной территории или административной единицы.

Аналогичная система федеральных и местных стандартов в отношении строительства автомобильных дорог действует и в США, которые являются мировым лидером по протяженности автомобильных дорог8. На рисунке 4 представлена система функционирования стандартов США в отношении дорожного строительства [12].



Рис.4 - Система функционирования стандартов США в отношении дорожного строительств

Федеральные стандарты выпускаются Федеральной Администрацией Шоссейных Дорог (FHWA - Federal

Highway Administration), вместе с тем, на территории каждого штата действуют стандарты, создаваемые Департаментом Транспорта Штата (DOT – Department of Transport) [13]. Помимо формирования стандарта, DOT выступает в качестве заказчика работ по строительству дороги, осуществляет приемку дороги у подрядной организации и берет на себя полную ответственность за эксплуатацию дороги и ее ремонт. При этом в практике и нормативной документации отсутствует понятие «гарантийный срок» в отношении дорожных работ. Поскольку DOT в полном объеме отвечает за эксплуатацию дороги, и, соответственно, несет риски на случай низкого качества проектных и строительных работ, проявляющиеся в высоких затратах на ремонтные работы, DOT имеет мотивацию к созданию жестких стандартов, содержащих высокий уровень требований к материалам, технике и технологии, используемых в ходе строительства дороги, а также устанавливает порядок процедуры по оценке качества дороги, принимаемой в эксплуатацию, которая включает в себя обязательное тестирование показателей, влияющих на срок службы дороги в целом, и показателей, характеризующих качество дорожного покрытия, то есть влияющих на срок службы дорожного покрытия [14]. Ключевым показателем, тестируемым в ходе оценки качества дорожного покрытия, является его ровность и плотность, которая обеспечивается, в первую очередь, отсутствием сегрегации смеси по температуре и ее фракционному составу. Как показали исследования, высокая ровность покрытия дороги снижает отрицательное влияние динамических нагрузок от колес автомобилей на дорожное покрытие, и, следовательно, ведет к увеличению продолжительности межремонтных сроков. При установлении параметров для тестирования безусловно присутствует понимание взаимосвязи качества материала, используемой технологии и применяемой техники. Таким образом, через показатели тестируемых параметров прослеживается соблюдение требований на всех уровнях материально-технического обеспечения и технологического уровня исполнения работ по строительству дороги. Например, предусмотрено использование перегружателей асфальтобетонной смеси, которые должны обеспечивать безостановочную укладку дорожного покрытия с постоянной скоростью, и соблюдение этого технико-технологического требования обеспечивает ровность дороги; низкие показатели качества дороги по показателю ровности свидетельствуют о нарушении технологии строительства. Законодательством штатов в США, как правило, предусмотрены как ответственность за невыполнение требований к качеству дороги, в том числе и в случае незначительного снижения показателей, характеризующих качество, так и поощрение за

превышение нормативных требований показателей качества дорог [15]. В качестве поощрения предусмотрено дополнительное финансовое вознаграждение в размере повышенного процента стоимости выполненного контракта. В качестве ответственности за невыполнение требований качества подрядчик обязан произвести за свой счет работы по повторному покрытию участка дороги или осуществить возврат денежных средств в размере стоимости работ на повторное покрытие дороги и устранение дефектов [16].

На внедрение системы качества оказывает влияние широкий круг факторов, в том числе специфика потребностей организации, конкретные задачи, стоящие перед данной организацией, специфика поставляемой продукции или услуг, применяемые технологические процессы, практический опыт. В контексте отрасли дорожного строительства указанные факторы имеют большое значение для развития экономики государства в целом. Высокое качество строительства дорог в развитых странах поддерживается внедрением постоянно развивающихся новых технологий и технических решений. Инновационный путь развития отрасли дорожного строительства показал свою результативность.

REFERENCES

1. Домке Э.Р., Бажанов Э.Р., Ширшиков А.С. Управление качеством дорог. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2006.

2. Елисеев, С.Ю. Государственно-частное партнерство в транспортном секторе. Зарубежный опыт/ С.Ю. Елисеев, В.В. Максимов // ВКСС Connect. – 2008. - №2.

3. Н.А. Нишонов, Ш.З. Намозов, А.Ч. Хуррамов. Автомобиль йўлларидаги кўприкларнингмустаҳкамлигини ошириш ва узоқ муддат хизмат қилишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021. ISSN: 2181-1385, Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-6-162-169.

4. Абдурашидович, Т. Т. ., Чориевич, Х. А. ., & Урозбоева, М. Т. . (2023). ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ МАТЕМАТИКЕ БАКАЛАВРОВ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ ПОСРЕДСТВОМ РЕШЕНИЯ ПРИКЛАДНЫХ ЗАДАЧ МЕТОДАМИ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(7), 154–158. извлечено от https://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/5159.

5. Mars Berdibaev, Batir Mardonov and Asror Khurramov. Vibrations of a Girder on Rigid Supports of Finite Mass Interacting With Soil under Seismic Loads. E3S Web of Conferences 264, 02038 (2021). CONMECHYDRO – 2021. https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126402038.
6. Бердибаев М. Ж., Намозов Ш. З., Хуррамов А. Ч., Эгамбердиев И. Б. Причины возникновения солевой коррозии железобетонных элементов конструкции. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2020. № 42 (332). С.: 23–25. URL: https://moluch.ru/archive/332/74187/ (дата обращения: 25.08.2021).
7. Nematilla Nishonov, Diyorbek Bekmirzaev, Akbar Ergashov, Ziyoviddin Rakhimjonov and Asror Khurramov. Underground polymeric l-shaped pipeline vibrations under seismic effect. E3S Web of Conferences 264, 02037 (2021). CONMECHYDRO – 2021. https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126402037.
8. Асрор Чориевич Хуррамов, Илхомжон Юсуфжонович Мирзаолимов, Шахзод Шухратович Сафаров. Способы защиты мостовых конструкций от внешних воздействий и их сравнительный анализ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 8 | 2021. ISSN: 2181-1385. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89. https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-8-204-212.
9. Чориевич, Х. А., Урозбоева, . М. Т., Мухаммади углы , Ж. З. ., & Сайдуллаевич, Н. Х. (2023). ПРИМЕНЕНИЕ ОПТИМАЛЬНЫХ МЕТОДОВ ПОВЫШЕНИЯ СЕЙСМОСТОЙКОСТИ МОСТОВЫХ КОНСТРУКЦИЙ. Scientific Impulse, 1(6), 1055–1062. Retrieved from https://nauchniyimpuls.ru/index.php/ni/article/view/4654.
10. Rayimov, F., & Khurramov, A. (2021). Landscaping of roads in mountainous areas. Science and Education, 2(6), 247–251. Retrieved from https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/1554.
11. K Muhammadjonov, A Muhammadjonov, A Xurramov. Digitalization of Higher Education: Trends and Their Influence on the Institute of Higher Education. International Journal of Engineering and Information Systems, volume 5, issue 2, p. 123 – 124. Posted: 2021.
12. Нишонов, Н. А., Хуррамов, А. Ч., & Рахматов, Ш. Н. (2022). НАПРЯЖЕННО-ДЕФОРМИРУЕМОЕ СОСТОЯНИЕ ПОДЗЕМНЫХ ПОЛИМЕРНЫХ ТРУБОПРОВОДОВ ПРИ СЕЙСМИЧЕСКОМ ВОЗДЕЙСТВИИ В ВИДЕ РЕАЛЬНЫХ ЗАПИСЕЙ ЗЕМЛЕТРЯСЕНИЙ. Central Asian Research Journal For

Interdisciplinary Studies, 2(4), 450-459. https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-4-450-459

13. Хуррамов А. Ч. и др. УСИЛЕНИЕ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ ПРОЛЕТНЫХ СТРОЕНИЙ ДОПОЛНИТЕЛЬНОЙ АРМАТУРОЙ //Интернаука. – 2021. – Т. 20. – №. 196 часть 1. – С. 13.
14. Х Алменов, АЧ Хуррамов, ШШ Сафаров, ИЮ Мирзаолимов. Сравнительный анализ методики расчета на раскрытие трещин в железобетонных элементах со традиционным армированием и армированием фиброй. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studie, Vol 2 Issue 3 2022, 449-456. https://doi.org/10.24412/2181-2454-2022-3-449-456.
15. Халтурин Р.А. Состояние и опыт строительства дорожной сети в России и за рубежом // Экономические науки. Экономика и управление. – 2011. - № 1(74).
16. Khurramov A. DIAGNOSTICS OF THE SEISMIC STATE OF BRIDGES, WHERE PILE FOUNDATIONS ARE LOCATED IN PAIRS // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2024. 2(119). URL: https://7universum.com/ru/tech/archive/item/16890 (дата обращения: 15.04.2024). DOI - 10.32743/UniTech.2024.119.2.16890.

МЕНЕЖМЕНТ 2.0 ВА 3.0 КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ: МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Н. Р. Мурадова
Наманган муҳандислик қурилиш институти, ўқитувчиси
nazira.zarifa@mail.ru,

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Менежмент, бошқарув, менежмент 1.0, менежмент 2.0, менежмент 3.0 концепциялари, мазкур концепцияларнинг такомиллашиб бориши, ташкилотни боршқариш усуллари, менежмент 1.0, менежмент 2.0, менежмент 3.0 концепциялари имкониятлари, камчиликлари ва афзалликлари, муаллифлар ва улар томонидан яратилган асарлар мазмун ва моҳияти, менежмент 1.0, менежмент 2.0, менежмент 3.0 тузилмаларида менежерлар ҳамда ходимларнинг вазифалари, бошқарув натижалари ҳақида сўз юритади.

Калит сўзлар: менежмент, менежмент 1.0, менежмент 2.0, менежмент 3.0, концепция, менежер, ходим, компетенция.

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор рассматривает понятия менеджмент, менеджмент, менеджмент 1.0, менеджмент 2.0, менеджмент 3.0, совершенствование этих понятий, методы управления организацией, возможности, недостатки и преимущества концепций менеджмент 1.0, менеджмент 2.0. , менеджмент 3.0, содержание и сущность авторов и созданных ими произведений., менеджмент 1.0, менеджмент 2.0, менеджмент 3.0 структуры, рассказывает о задачах руководителей и сотрудников, результатах управления.

Ключевые слова: менеджмент, менеджмент 1.0, менеджмент 2.0, менеджмент 3.0, концепция, руководитель, работник, компетентность.

ABSTRACT

In this article, the author discusses the concepts of management, management, management 1.0, management 2.0, management 3.0, the improvement of these concepts, methods of managing the organization, the possibilities, disadvantages and advantages of the concepts of management 1.0, management 2.0, management 3.0, the content and essence of the authors and the works created by them. , management 1.0, management 2.0, management 3.0 structures, talks about the tasks of managers and employees, management results.

Keywords: management, management 1.0, management 2.0, management 3.0, concept, manager, employee, competence.

Менежмент (ёки “бошқариш”) - бу вазифаларни самарали бажариш учун зарур бўлган инсон, молиявий, табиий ва технологик ресурсларни мувофиқлаштиришга эришиш учун ташкилотни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш жараёнидир. Менежмент энг аввало инсонларни бошқаради. Одамларни онгли меҳнатга қизиқтириш, тадбиркорликка, меҳнатга ижодий ёндошиш, ўзига ишониш, янги билим ва кўникмаларини эгаллаш, чорлаш, инсонларни бошқариш демакдир. Анри Файолнинг таъкидлашича, бошқариш - бу башорат қилиш ва режалаштириш, ташкил этиш, йўналтириш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишдир. Менежмент бутун ташкилотни қамраб олади ва унинг фаолиятининг деярли барча соҳаларига таъсир қилади. Бироқ, унинг тушунчалари вақт ўтиши билан ўзгаради, биз уларни қуйида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Демак, менежмент бу бошкарув маҳоратидир.

Бошқарув-бу танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат этиш жараёнидир.

Бошқариш - бу кўзланган мақсадга эришиш қобилияти ва маҳорати демакдир. Бошқаришнинг асосий мақсади жамиятнинг моддий - маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида ижтимоий муносабатларни ва ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Бугунги кунда менежерлар ўзгарувчан ва шафқатсиз ташқи муҳит томонидан яратилган янги муаммоларга дуч келишмоқда. Тез ўзгаришлар даврида биз қандай қилиб нафақат яхши натижаларга эришадиган ва ўз мақсадларига эришадиган, балки бир хил даражада мослашувчан ва бардошли ташкилотларни яратишимиз мумкин? Қандай қилиб компаниялар замон билан ҳамнафас бўлиш ва яхши фойда олиш учун инновацияларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари мумкин?

Кўпгина ташкилотларда одамларни машиналар каби бошқариш, бажариладиган ишларни олдиндан лойиҳалаш, ишларни режалаштариш ва шу режа асосида иш ташкил қилиш, буйруқ-бошқарув тузилмалари ва жараёнларидан фойдаланиш одатий ҳолга айланиб қолган эди. 20-асрда юқори муваффақиятга эришган илмий бошқарув ва буйруқбозлик услубини муҳандислар ишлаб чиққан эди. Биз буни менежмент 1.0 деб атаймиз.

Бундай тузилмаларда қуйи даражадаги ходим моҳиятан на овоз бериш ҳуқуқига, на ташаббускорлик ҳуқуқига ва на уни кўрсатишга эга, чунки уни фикрларини раҳбар эшитмайди ва қизиқмайди. Бундай бошқарув услубида фикрларини билдиришни ягона йўли ҳамкасблар билан бирлашиш ҳисобланади. Ходимлар юқори раҳбарларига кўпинча ҳасад ва норозилик кайфиятида бўладилар, менежерлар эса ходимларга нисбатан бепарво ва эътиборсиз бўладилар. Қуйи звенодаги ходим топшириқларни мақсадга мувофиқлиги ҳақида ўйламасдан бажаради. Менежер

ўз ўрни ва аҳамиятини ортиқча баҳолайди, чунки унинг ғояларига, ҳатто тубдан нотўғри бўлса ҳам, эътироз билдириш мумкин эмас. Бўлим ёки бутун ташкилотнинг муваффақияти бир ёки икки кишининг тахминларининг тўғрилигига боғлиқ бўлиб қолади. Бундай бошқарувда муваффақиятга эришмаслик рисклари жуда юқори ҳисобланади.

Мавжуд бошқарув тизимининг номукаммаллигини англаш уни ўзгартириш йўлларини излашга олиб келди. "Менежмент 2.0" концепциясининг муаллифи, менежмент бўйича америкалик мутахассис Гари Хемел менежмент назариясида классикага айланган бир қатор китобларни ёзган (К.К. Прахалад билан ҳаммуаллифликда «Конкурируя за будущее» (1996 й), «Во главе революции» (2002 й), «Будущее менеджмента» (2007 й), «Манифест лидера. Что действительно важно сегодня» (2012 й). Г.Хамелоу ўз асарларида бошқарув тизимини қайта тикламаган компаниялар ўлимга маҳкум эканлигини ҳамда бошқарув 2.0 да шахс ташкилотнинг ўзидан кўра муҳимлигини таъкидлайди.

Менежмент 2.0 - бу замонавий технологияли компанияларининг бошқарув амалиётига асосланган бошқарув ваколатларини ривожлантириш дастури ҳисобланади.

Менежмент 2.0 нинг мақсади ташкилотларни уларда ишлайдиган одамларга мос келадиган тарзда инсонпарварлаштиришдир. Аммо одамлар ажойиб мослашиш қобилиятига эга: улар ҳар куни янги иш топиш учун қитъаларни кесиб ўтадилар, столларига ўтириб, янги билимларга эга бўлишади ва балоғат ёшида касбларини ўзгартирадилар. Одамлар ижодкор: миллионлар ҳар куни блог ёзадилар, янги рецептлар ўйлаб топадилар, шеърлар ёзадилар ва уйларини қайта қурадилар. Кўпчилик давлат хизматида ишлайди. Ўзингиз билган одамларни ўйлаб кўринг, улар ўз хоҳишларига кўра ўз фарзандларининг мактаблари учун нимадир қилишади, маҳаллий касалхоналарга ёрдам беришади ёки қўшниларига озиқ-овқат сотиб оладилар.

Менежмент 2.0 ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш ва ташкилотда бошқарув тизимини такомиллаштиришни назарда тутади. Бу бошқарувда бир қатор ижтимоий-психологик муаммолар ўз ечимини топади, масалан, ходимлар ўз фикрларини билдириш ва ғояларни таклиф қилиш имкониятига эга бўлишади.

3.0 концепцияси қандай пайдо бўлган? Менежмент 3.0 асосчиси Юрген Апелло эди. 2010 йилда у тезкор бошқарув бўйича биринчи китобини, кейин эса 2016 йилда "Бахт учун бошқариш" (англ. «Managing for happiness») китобини нашр этди. Ишнинг асосий ғояси шундаки, замонавий ташкилотнинг ҳар бир аъзоси етакчи бўлиши ва тизимли фикр юритиши керак, аммо буни қандай амалга ошириш бўйича дунёда аниқ кўрсатма йўқ. “Managing for Happiness” бошқарув ўйинлари, инновацион воситалар ва оддий амалиётларни таклиф этади, улардан жамоани рағбатлантириш,

компания маданиятини ўзгартириш, самарадорликни ошириш ва ташкилотда инновацияларни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин. Ҳар бир инсон бахтли ташкилотда ишлашга лойиқдир. Бу китоб замонавий иқтисодиётда етакчилик бўйича амалий семинарлар ва тренингларга айланди. Менежмент 3.0 нинг асосий ғояларидан бири шундаки, кўплаб бошқарув назариялари фойдасиз бўлиб чиқади, чунки улар амалда қўлланилмайди ва ташкилот раҳбарларига аниқ ҳаракатларни таклиф қилмайди.

Компания фойда кўрса ёки жамият уни тан олса, компания ишидан завқланса, биз буни менежмент 3.0 деб атаймиз. Компанияда ҳар бир киши унинг муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олади ва ҳис қилади

Бундай тузилмаларда одамлар ташаббус кўрсатишдан ва кўпроқ масъулиятни ўз зиммаларига олишдан қўрқмайдилар, чунки улар хато учун жазодан қўрқмайдилар. Масъулиятли одамлар маҳсулотга ўзлари каби муносабатда бўлишади, уни қандай қилиб яхшилаш ҳақида ўйлашади. Чунки улар маҳсулотнинг мавқеи яхсҳиланияи билан ўз позициялари яхшиланаётганини ҳис қиладилар, шунингдек, ташкилотдаги ўзларининг қадр-қиймат ва аҳамиятини ҳис қилишади. Жамоа ичида баъзи қарорларни қабул қилиш ходимларда эркинликни таъминлайди ва бу уларни ғайратли, креатив бўлишга ундайди, натижада мураккаб, ўзгарувчан муҳитда янада самарали ишлашга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, менежментнинг шаклланиши ва ривожланишига илмий-назарий ёндашувларини ўрганиб чиқиш ва илмий жиҳатдан умумлаштириш натижасида бир хил ёндашув мавжуд эмаслиги ва улар ҳозирда ҳам ривожланиб бораётганлиги, шунингдек, бошқарув кўп қиррали ва эклектик тушунча, уни таърифлашда турли иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, сиёсий, социологик ва психологик нуқтаи назарларга таяниш лозимлиги аниқланди. Бундай вазият эса менежмент изланишлар олиб борилиши лозим бўлган бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири қилиб қўяди.

REFERENCES

1. И.У.Муракаев, И.С.Саифназаров Менежмент асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2001й.

2. Семина К.С. Эволюция моделей менеджмента: от традиционного менеджмента к менеджменту 3.0. Международный журнал прикладных наук и технологий «Integral» №4(2) 2019).

3. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2015 йил

HUQUQIY TARBIYA JARAYONIDA TEXNOLOGIK YONDOSHUV – TA'LIM TIZIMI RIVOJINING ASOSIY SHARTI

Arslon Kamilovich Nafasov
Chirchiq davlat pedagogika universiteti O'zbekiston tarixi kafedrasi katta o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada, huquqiy ta'lim-tarbiya jamiyat taraqqiyoti, rivojida muhim omil ekanligi haqida so'z yuritiladi. Xususan, huquqiy tarbiyaning texnologik yondashuv asosida maqsadi ma'lum vositalar, shakl va metodlar yordamida shaxsning ongiga ta'sir ko`rsatib, unda davlat belgilagan qonun qoidalarga itoatkorlikni, davlat siyosatini ijro etish hamda o`z hatti harakatini davlat talabiga muvofiq holda tanlay olish qobiliyatini shakllantirishi kabi muxim masalal yoritilingan.

Kalit so'zlar: huquqiy madaniyat, konstitutsiya, huquqiy ta'lim, pedagogik texnologiya, huquqiy tarbiya metodi, texnologik yondashuv, uzluksiz ta'lim, pedagog.

ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД В ПРОЦЕССЕ ПРАВОВОГО ОБРАЗОВАНИЯ – ОСНОВНОЕ УСЛОВИЕ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится, что юридическое образование является важным фактором развития общества. В частности, цель правового воспитания, основанная на теологическом подходе, состоит в том, чтобы с помощью определенных средств, форм и методов воздействовать на сознание человека, сделать его послушным нормам государственного права, реализовать государственное право. политику, а также иметь возможность выбирать собственные действия в соответствии с требованиями государства, освещен такой важный вопрос, как ее формирование.

Ключевые слова: правовая культура, конституция, юридическое образование, педагогическая технология, метод правового воспитания, технологический подход, непрерывное образование, педагог.

TECHNOLOGICAL APPROACH IN THE PROCESS OF LEGAL EDUCATION – A BASIC CONDITION FOR THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATION SYSTEM

ABSTRACT

This article states that legal education is an important factor in the development of society. In particular, the goal of legal education, based on a theological approach, is to use certain means, forms and methods to influence a person's consciousness, make him obedient to the norms of state law, and implement state law. policy, as well as having the opportunity to choose their own actions in accordance with the requirements of the state, such an important issue as its formation is highlighted.

Keywords: legal culture, constitution, legal education, pedagogical technology, method of legal education, technological approach, continuing education, teacher.

KIRISH

Ta'lim-tarbiya masalasi mustaqilligimizning dastlabki kunlaridan boshlab bugunimiz va kelajagimizni hal qiladigan eng dolzarb vazifa sifatida qaralgan va ta'lim-tarbiya sohasida normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilgan. Amalga oshirilayotgan ulkan ishlar, farzandlarimizning har tomonlama barkamol bo'lib ulg'ayishi uchun yaratilayotgan zamonaviy sharoitlar tufayli yoshlarimizning jismoniy va ma'naviy jihatdan hech kimdan kam bo'lmasdan voyaga yetayotgani barchamizga ma'lum. Bu masalada yuridik asos sifatida konstitutsiya hisoblanadi. Yangi tahrirda qabul qilingan Konstitutsiya O'zbekiston jamiyatining evolyutsion rivojlanishidan kelib chiqqan hayotiy zarurat bo'lib, bu ish mamlakat, millat va xalq sifatida keyingi qadamlarimizni aniqlab olishimiz uchun g'oyat ahamiyatli masala, adolatli jamiyat qurish yo'lidagi ulkan qadamlardan biri hisoblanadi. Buning zarurati xususida Shavkat Mirziyoyev to'xtalib o'tar ekan, Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasiga quyidagilarni alohida ta'kidlagan edi: "Mamlakatimiz taraqqiyotini yangi pog'onaga olib chiqish uchun boshqaruv ham, qonunchilik ham, jamiyatimiz ham o'zgarishi kerak. Agar shunday qilmasak, muammolarni ko'rib, ko'rmaslikka olsak, zamondan orqada qolamiz. Xalqimiz, yosh avlodimiz bizdan rozi bo'lmaydi. Shu bois, "Avval – inson, keyin – jamiyat va davlat" degan g'oyani Konstitutsiyamiz va qonunlarimizga ham, kundalik hayotimizga ham chuqur singdirishimiz kerak. Hozirgi kundagi jiddiy sinovlar va bashorat qilib bo'lmaydigan xavf-xatarlarni yengib o'tishga qodir bo'lgan milliy davlatchiligimiz asoslarini mustahkamlashimiz zarur".

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLAR

Uzluksiz ta'lim tizimida dars olib borayotgan huquqshunos – pedagog va professor-o'qituvchilarning yuridik mutaxassislikka ega bo'lishi huquqiy davlatni barpo etishda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish masalalarini yengillashtiradi. Ayniqsa, huquqiy ongning shakllanishi huquqiy ta'lim orqali huquqiy bilim beruvchi pedagoglarning kasbiy-huquqiy ongiga va saviyasiga ham daxldordir. Chunki huquqiy ta'lim jarayoning huquqiy masalalar bo'yicha muayyan huquqiy his-tuyg'ular, tasavvurlar hosil qilishi huquqiy munosabatlarda ishtirok etishda huquqiy faollik ko'nikmalarini yuzaga keltiradi. Bu o'z navbatida yoshlarda mavjud bo'lgan huquqiy nigilizmning oldini olish, huquqbuzarlikka qarshi kurash kabi omillarga aylanadi. Aynan shu sababli huquqiy ong huquqni amalda qo'llashning zaruriy mexanizmi bo'lib, shaxsning xulq-atvori huquq normalariga mos kelish – kelmasligini aniqlovchi vosita hisoblanadi.

Uzluksiz ta'limda ta'lim-tarbiya masalasi va metodlarini tanlashning asosiy jihatlari tadqiqotchilar, olimlarimiz va pedagoglarimiz tomonidan turli hil ilmiy metodik nashrlarda tahlil qilingan. Jumladan Yu.K.Babanskiy. Hozirgi zamon umumiy ta'lim maktabida o'qitish metodlari. 1990., Smesova E.A.Metodika prepodavaniya istorii v shkole. 2019., Y.G'afforov. Tarix o'qitish metodikasi. 2022., O'.Q.Tolipov, M.U.Usmonboeva. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. 2006. va boshqalarning bir qator asarlari va ilmiy maqolalarida o'z aksini topgan.

NATIJA VA MUHOKAMA

Pedagogik jarayonga texnologik yondoshuv uchun aniq qo'yilgan maqsad, bu maqsadlarga erishish uchun, aniq moslashtirilgan vositalar, bu vositalar bilan qanday foydalanish uchun, aniq qoidalarni topish zarur.

Texnologik yondoshuvning mazmuni berilgan yoki mavjud sharoitda pedagogik vazifalarga maqbul erishish yo'llarini ongli ravishda loyihalashdan iborat.

Huquq fanlarini o'qitish jarayoniga texnologik yondashish asosida ta'lim maqsadlariga erishishning eng maqbul yo'llari va samarali vositalarni tadqiq qiluvchi va qonuniyatlarni ochib beruvchi pedagogik yo'nalish - bu ta'limni texnologiyalashtirishdir. Ya'ni mavjud sharoit va o'rnatilgan vaqtda belgilangan ta'limiy maqsad va ko'zlanayotgan natijalarga kafolatli erishishni vositali ta'minlovchi, muloqot, axborot, o'qitish hamda boshqaruvning eng qulay yo'l va vositalarining tartibli yig'indisi.

Texnologiyada maqsadli, jarayonli, miqdoriy va rejaviy tarkiblar taqdim etilib, uning belgilari bo'lib takroriylik va ko'zlanayotgan ta'lim natijasini to'liq bayon etishlik hisoblanadi. Uslubiyotda esa ta'lim yo'l va usullari yig'indisi ko'proq individuallashgan bo'ladi. U

o‘qituvchi shaxsining temperamenti va malakasiga bog‘liq bo‘ladi.

Uzluksiz huquqiy ta’limning hamma bosqichlarida huquqiy ta’limning o‘ziga xos tashkiliy shakllari mavjud bo‘lib, bularga mavzuni bayon etish qismi, so‘rash va mustahkamlash bosqichlari kiradi.

Huquqiy ta’lim tizimida yangi bilim berish o‘quv jarayonining ham usuli, ham shakli hisoblanib, u o‘quvchilarga fan asoslarini og‘zaki, uzviy va muntazam singdirishga xizmat qiladi. Natijada, fanning mohiyatini tushunib boradi hamda ularni erkin fikrlashga majbur etadi. O‘qituvchining jonli nutqi asosida o‘quvchilarning huquqiy tafakkurini rivojlantirish, uning ta’sirida o‘quvchilarda shu fanga uning vazifa va kelajagiga nisbatan turli qarashlar, ilmiy e’tiqod, g‘oya va huquqiy mafkura asoslari shakllanadi. Buning uchun o‘qituvchi har bir mavzuning mazmunini fandagi yangiliklar bilan boyitishi va tanlay bilishi lozim. O‘qituvchining yangi bilim berishdagi faoliyati ijobiy hamkorlikka tayanib tashkil qilingandagina samarali natija beradi. Bunda o‘qitish jarayonida ham ta’limiy, ham tarbiyaviy vazifalarni samarali amalga oshirish o‘qituvchi bilan o‘quvchilar o‘rtasida do‘stona, faol munosabatlarni tiklab olishdan iborat.

Bundan tashqari, darsning samarali natijasi o‘quvchi va o‘quvchilarning o‘quv jarayondagi ruhiy holatlarini qay darajada hisobga olinishiga ham bog‘liq.

Shunday ekan, huquqiy ta’limni samarali tashkil etish, uning dars shakllaridan o‘qitish jarayonida o‘rinli foydalanishlari uchun shubhasiz, o‘qituvchining pedagogik mahorati, pedagogik madaniyati, o‘z predmetini puxta bilishligi va o‘quvchilar bilan umumiy til topa olishi muhimdir.

Huquq fanlarini o‘qitishda texnologik yondashuv o‘qituvchining texnologik madaniyatiga va texnologik bilimlar, ko‘nikmalar majmuiga bog‘liq. Bunda maqsadni belgilash ko‘rinishida o‘quv natijalarini rejalashtirishni bilish, o‘quv jarayonini loyihalashtirishni bilish va o‘quv faoliyati natijalarini baholashni bilish katta ahamiyatga ega.

Maqsad ko‘zlanayotgan natija modeli ko‘rinishidagi muhim yo‘nalishning mahsuli sifatida ta’lim sub’yektlarining faoliyat yakunida egallashlari ko‘zlanayotgan narsadir.

Maqsadni belgilash esa texnologiyalashtirishning asosiy omili hisoblanib, pedagogik texnologiyani loyihalashtirish, o‘quv jarayonini tuzish hamda tashkillashtirishdan iborat.

Huquq fanlarini o‘qitishda texnologik yondoshuvning asosiy mazmuni pedagogik jarayoni boshqarish, o‘qitishning samarali metodlari: noan’anaviy usullar, zamonaviy pedagogik texnologiya, interfaol usullardan foydalanish, o‘qituvchi faoliyatining innovatsion xususiyatlarini

rivojlantirish, zamonaviy axborot kommunikatsion ta'lim texnologiyalaridan foydalanishdan iborat.

Ushbu jarayonda aniq loyiha tayyorlash, tizimlilik, konseptuallik, boshqaruvchanlik, samarali natijaga erishish, o'quvchi sub'yektiga e'tibor qaratish muhim hisoblanadi. Demak, huquq fanlarini o'qitishga texnologik yondashuvda:

Huquqiy ta'limning maqsadlari aniqlashtiriladi, ya'ni huquqiy ta'lim maqsadlari batafsil bayon qilinadi, aniq beriladi va kutilayotgan o'quv natijalar va pedagogik vazifalar shaklida ifodalanadi;

Huquqiy ta'lim maqsadlariga erishishning eng maqbul yo'llar va vositalari tanlab olinadi, ya'ni muloqot, axborot va boshqaruvning shunday usul va ta'lim vositalari tanlanadiki, ular majmuada berilgan sharoitlarda va belgilangan vaqtda ta'lim maqsadlariga erishishni kafolatlovchi ta'lim modelini tashkil qiladi;

Huquqiy ta'lim jarayoni maksimal rasmiylashtiriladi, ya'ni huquqiy ta'lim jarayoni bir tizimga keltiriladi pedagogik va o'quv xarakatlarning zanjiri bosqichma-bosqich qayd qilinadi;

Huquqiy ta'lim jarayoni to'liq boshqariladi, ya'ni izchillikdagi harakatlar: loyihalashtirish, bashoratlash, baholash, tahlil qilish va to'g'irlash eng oson yo'llar bilan samarali natijaga erishishni ta'minlab beradi.

Texnologik yondashuv mazmunidan kelib chiqib, huquqiy ta'lim an'anaviy ta'limdan farq qilgan holda quyidagilarga asoslanadi:

- Konseptual asoslar - shaxsga yo'naltirilgan ta'lim va ta'limga tizimli - harakatli yondashish, ta'lim oluvchi shaxsi - ta'lim jarayonining markaziy egasi bo'lishi, hamda munosabatlarning insonparvarligi va erkinligi, o'qishga majburlashdan voz kechish, shuningdek, tabaqalashtirish va individuallashtirish, ya'ni umumiy ta'lim oluvchining aqliy rivojlanish darajasi va fanni ular tomonidan o'zlashtirilishini hisobga olish, o'rganish-aqliy rivojlanish, mustaqil egallash jarayoni va asosiysi ta'lim oluvchilarning egallagan bilimlarni qo'llay olish, muammolarni aniqlash ularning yechimini topish, o'quvchilarni izlanishga, u yoki bu masala bo'yicha ijodiy yondoshuvga o'rgatish; Bunda ta'lim oluvchi – kitob - ta'lim beruvchi munosabatini tashkil etish.

- Ta'lim oluvchining tutgan o'rni va vazifasi - mustaqil bilish faoliyatini olib boruvchi, ta'lim jarayonining teng huquqli sub'yekti bo'lishi, bilim - shaxsiy muammolarni hal etish vositasi ekanligini asoslash, nima uchun xatoga yo'l qo'yganligini o'rganish;

- Ta'lim beruvchining tutgan o'rni va vazifasi - ta'lim oluvchilarning mustaqil bilish faoliyatlari tashkilotchisi bo'lishi, ularning mas'ul maslahatchisi va yordamchisi ekanligi, ta'lim oluvchilarning nafaqat bilim, ko'nikma, malaka nazoratini, balki ehtimoliy

chetga chiqishni o‘z vaqtida to‘g‘rilash, ularni to‘g‘ri yo‘lga yo‘naltirish;

- Ta’lim berish va o‘rganish usullari - Muammolarni izlash, bilimlarni amaliyotda qo‘llashga yo‘naltirish, muammoli vaziyatlarni yaratish, faol bilishning ijodiy tadqiqotchilik faoliyatiga asoslangan faol ta’lim berish usullarini tanlash;

- Ta’lim berish vositalari - an’anaviy vositalar bilan bir qatorda – axborotli texnologiyalardan foydalanish, o‘quv materiallaridan ta’lim oluvchilarning bilimlarni mustaqil izlashlari uchun ishlatish;

- Ta’lim berishni tashkillashtirish shakllari - maqsadni belgilash, maqsadlarni kafolatli erishishga yo‘naltirish, pedagogik faoliyatni loyihalash va rejalashtirish, shu bilan birga o‘quv faoliyatining mazmuni va tuzilishini ishlab chiqish, ta’lim beruvchining ta’lim oluvchi bilan ta’lim jarayonini diolog tuzish, ta’lim oluvchida mustaqillikka intilishni rivojlantirish, ularni mustaqil ta’lim olishga tayyorlash, o‘z bilimini ko‘rsatishga, bilimini qo‘llashga, uni taqdim eta olishga o‘rgatish, ta’limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi vazifalarni amalga oshirish, umumiy natijani baholash va ta’lim oluvchi bilan hamkorlikdagi mehnatni tahlil qilish, ko‘zlanayotgan natijalarga erishish yoki qisman erishishni tahlil qilish.

Huquqiy tarbiyani jamoa o`rtasida yoki individual shaklda amalga oshirish mumkin.

Yoshlarni huquqiy bilimga va huquqiy tarbiyaga jalb etishda huquqni himoya qiluvchi davlat organlari xodimlari bilan uchrashuv o`tkazilishi, savol-javob kechalari tashkil etilishi yoki huquqshunos uyushmalari to`zilishi ijobiy natija beradi. Individual yakka tarzda huquqiy bilim berishda, huquqiy tarbiyalashda shaxsga maxsus adabiyotlarda tavsiya etilishi, unda qiziqish uyg`otish, tarbiyalanuvchining ruxiy holatini o`rganib, u qabul qila oladigan, tushuna biladigan tarzda suhbat olib boriish maqsadga muvofiqdir.

Huquqiy tarbiya metodi-bu bir necha muayyan yo`l va usullar yig`indisi bo`lib, ular asosida kishilar ongiga, dunyoqarashiga ta’sir qilinadi. Buning natijasida tarbiyalanuvchilarda qonunga hurmat hissi uyg`otiladi va qonunning buzilmasligi ta’minlanadi.

Eng asosiy metod bu – ishontirish metodi. Ishontirish orqali ijobiy natijaga erishilmasa, majburlash metodi qo`llanadi. Huquqiy tarbiyada bu ikki metodni birga qo`llash ham mumkin.

Huquqiy tarbiyaning ilmiy printsiplaridan yana biri o`rganilayotgan qonun yoki qarorning kelib chiqish sabablarini, unga obyektiv zarurat borligini tushuntirib berishdir. Agar tarbiyalanuvchi qonun, qaror va qoidalarning vujudga kelishi, qabul qilinishi umumiy asoslarini tushunib olsa, ayniqsa, hozir o`rganilayotgan huquqiy normaning qabul qilinishi sababini bilsa,

uni bajarishga ongli ravishda yondoshadi, o`zida ham huquqiy normaga nisbatan ehtiyoj sezadi.

Huquqiy tarbiyaning ilmiy printsiplaridan yana biri o`rganilayotgan qonun yoki qarorning kelib chiqish sabablarini, unga obyektiv zarurat borligini tushuntirib berishdir. Agar tarbiyalanuvchi qonun, qaror va qoidalarning vujudga kelishi, qabul qilinishi umumiy asoslarini tushunib olsa, ayniqsa, hozir o`rganilayotgan huquqiy normaning qabul qilinishi sababini bilsa, uni bajarishga ongli ravishda yondoshadi, o`zida ham huquqiy normaga nisbatan ehtiyoj sezadi.

Huquqiy tarbiyaga ilmiy yondoshish quyidagi faoliyatlardan tashkil topadi:

- o`rgatilishi lozim bo`lgan qonun va qonuniy aktning nazariy va amaliy jihatlarini puxta o`zlashtirib olish;
- tarbiya obyektlarini o`rganish, ular bilan huquqiy norma o`rtasidagi bog`lanishni aniqlash;
- mazkur mintaqadagi huquqiy normaga aloqador huquqiy holatni (huquq-tartibotni, qonunchilikka munosabat)o`rganish va tahlil qilish;
- huquqiy normani tushuntirish shakl va metodlarini tanlab olish;
- huquqiy tarbiya vositalarini tayyorlash;
- tarbiyalanuvchilarning fikrini o`rganish va savol – javobga tayyorlanish;

Huquqiy tarbiyani shahar, tuman, viloyat, respublika miqyosida yagona shakl va metodlar asosida olib borish ham ilmiy printsipdir. Huquq-tartibot va qonuniylikni mustahkamlash butun mamlakatda huquqiy tarbiyaga chuqur ilmiy yondoshishni taqozo qiladi. Hozir bu muhim ish davlat organlari va jamoat tashkilotlari hamkorligida amalga oshirilmoqda.

Tarbiyaga har tomonlama yondoshish. Tarbiyaga har tomonlama yondoshish deb tarbiya maqsadining shaxs ongida shakllanishiga ko`maklashuvchi omillarni aniqlash, tarbiya shakl va metodlariga ularga tayanish aytiladi Bu vazifalarning zarar darajada amalga oshirilishi tarbiyachi bilan tarbiyalanuvchilarning o`zaro hamkorligiga bog`liqdir. Ikkala tomonning fikr almashishi, huquqiy tushunchalarga aniqlik kiritilishi, yakdillik asosida hayotiy holatining belgilab olinishi tinglovchilar huquqiy ongiga tegishli o`zgarish kiritadi va uni boyitadi.

Masalan, tarbiyachi mehnat qonuniga kiritilgan o`zgarishlar bilan tinglovchilarni tanishtirmoqchi. Maqsad ularning ongiga yagona qonun mazmunini aks ettirgan holda mehnat munosabatlarida qonundagi o`zgarishga muvofiq ish ko`ra olishni tarbiyalashdir. Buning uchun tarbiyachi masalaga keng yondoshib, qonun o`zgarishi sabablarini dalillar yordamida ko`rsatishi, yangi qonun mohiyatini isbotlashi, uni ijro etish tartibini o`rgatish, ko`zda to`tilgan maqsadni misollar yordamida tushuntirish kerak.

Pedagog muayyan masala bo`yicha huquqiy tarbiyaga keng yondoshishi uchun shu masalaga aloqador omillarni tanlab olishi, ularni yagona bir mavzuga yig`ishi, misollar yordamida uyg`unlashtirishi kerak. Masalan, o`quvchida O`zbekiston fuqarolariga sodiqlik burchini tarbiyalashda o`qituvchi-o`quvchi qanday qonunlarni o`rganishi kerakliginitanlab olishi, fuqarolarga taalluqli misollar topishi, fuqarolik burchi buzilganda davlat va jamiyat tomonidan quriladigan choralarni belgilashi, yuridik dalillar to`plashi, so`ngra keng tarbiya mavzularini ishlab chiqishi vash u mavzu bo`yicha ish olib borilishi kerak. Lekin shuni unutmaslik lozim, huquqiy ongning hatto biror yo`nalishini shakllantirish uchun ham yuridik omillarning o`zigina kifoya emas: masalan, intizomsiz shaxsni qayta tarbiyalash uchun uning huquqiy ongida burilish yasash, dunyoqarashiga, mehnat munosabatiga, madaniyat darajasiga ta’sir ko`rsatishi kerak. Agar uni qonunga ko`ra jazolash bilan kifoyalansangiz, axloqiy buzuq ekan, Yana eski odatini davom ettiraveradi.

XULOSA

Binobarin, huquqiy tarbiyaga aloqador omillar ikki guruhga bo`linadi: tarbiyachining axborotli hujjatlariga kiritiladigan omillar va tinglovchilar xususiyatiga bog`liq omillar. Tarbiya jarayonida ikala guruh omillar baravar etiborga olinishi kerak.

Tarbiyachining axborotli hujjatlariga kiritilgan omillari suhbat mavzusida qanday qonun, qonuniy ishlarni tushuntirmoq, asosiy maqsad nimaga qaratilganligini bilib olmoq. Masalan, voyaga yetmaganlarning huquqbuzarligining oldiniolish bo`yicha tarbiya: jinoiy, moddiy, intizomiy, huquqbuzarlikda voyaga yetmaganlar qanday harakatlari uchun javobgar bulishlariga taalluqli hujjatlarni to`plashdan iborat.

Tinglovchilar xususiyatiga bog`liq omillarda tarbiyachi tinglovchilarning qabul qilish darajasi, yoshiga, maxoratiga va boshqa xususiyatlariga etibor bergan holda tarbiya usulini tanlash zarurat hisoblanadi.

Har tamonlama yetuk shaxsni tarbiyalab yetishtirish maqsadi umumtarbiyaning maqsadi barcha yo`nalishlarini bir-biriga uyg`unlashtirilgan holda olib borishni taqozo qiladi. Bu bir kishining emas, balki butun jamoaning burchidir. Huquqiy tarbiya ham bir kishining emas, chunki shaxsni har tomonlama shakllantirish uchun bir tarbiyachi barcha omillarni bilishga qodir emas. Bir pedagog huquqiy tarbiyaning bir yoki bir necha yo`nalishigina shaxs ongida shakllantira olishi mumkin.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi. -T. O`zbekiston. 2023. (O‘zbekiston Respublikasi Referendumida 2023-yil 30

aprel kuni o‘tkazilgan umumxalq ovoz berishi orqali yangi tahrirdagi qabul qilingan Konstitusiyasi)
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: O‘zbekiston, 2017.
3. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. - Тошкент: O‘zbekiston, 2019.
4. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. - Тошкент: O‘zbekiston, 2020.
5. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Тошкент: O‘zbekiston, 2022.
6. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. (Дарслик). – Т.: “Адолат”, 2007.
7. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2002.
9. Зиёмухамедова Б. Педагогик маҳорат асослари.Т. “ТИБ-КИТОБ” 2009й.
10. Ya.G‘afforov. Tarix o‘qitish metodikasi. Toshkent, 2022.

MUNDARIJA CONTENTS